

Ўбеш йилликни муқддиган илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ
№ 168 (5261).

28
АВГУСТ
ЧОРШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

МАРРА 45 ЦЕНТНЕР

Бекобод районида 40—50 центнерчилар ҳаракати кенг қанот ёйди. Навоий номили колхозда ҳам бундай илгор бригадалар аниқгина. Ана шундай бригадалардан бири Султон Мирзаев бошлиқ коллективдир.

Колхознинг 4500 тонналик хирмонига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида 95 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бригада шунқорларнинг орауси катта. Улар ҳар бир

гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Азамат пахтакорлар эгуи ниятларига эришиш йўлида астойдил меҳнат қилишиб, август ойини зарбдор меҳнат ойи, деб эълон қилишди.

Шунинг учун ҳам унинг ҳар кун, ҳар соатидан унумли фойдаланиб, ғўзаларга сифатли ишлов бермоқдалар. Ғўзалар қондириб сўғорилмоқда. «Шарбат» сувиға қондирилган ғўза-

лар оби-тобида култивация қилинганлиги сабабли нам яхши сақланмоқда. Механизаторлардан Б. Норжигитов, О. Одиловларнинг хизмати мадҳотга лойиқдир. Бригада пахтакорлари ҳосилнинг асосий қисmini машиналарда териб олишга қарор қилишган.

Ҳозиргача машинабон қилиб ўстирилган ғўзаларнинг ҳар бирида 8—10 тадан энёб бўлиқ қўсақ бор.

Х. ТУРСУНОВ.

ДАЛАДАН ЗАВОДГАЧА

Озиқ-овқат саноати ходимлари учун масъулиятли, қизғин иш даври — янги ҳосил мева ва сабзавотни ҳамма жойда қайта ишлаш бошланди. Тармоқ корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, совет кишилари дастурхонини хилма-хил ва гоёт мазали озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирмоқдалар. Бунинг учун қўлай имкониятлар мавжуд: колхозлар ва совхозларда сабзавотдан яхши ҳосил етиштирилади, узум, кунгабоқар, чой анча кўпаяди. Демак, эндиликда вазифа тўпланган ҳар бир центнер қишлоқ хўжалик маҳсулотидан тўла ва исроф қилмай фойдаланиш, социалистик мусобақа иштирокчилари олган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

Консерва корхоналарининг иш ҳажми анча ошади. Эндиликда улар ўтган йилдагига нисбатан бир миллиард баikka қўл маҳсулот тайёрлаб чиқаришлари керак. Ўзбекистон, Тожикистон, Грузияда, Кубанда мансум яхши бошланди. Бу ерда кўк нўхати, тилос, ўрикни консерва қилиш тамомланмоқда, то-мат, олхўри ва олмадан консерва тайёрланмоқда.

Кримдаги Ленин орденли Краснодар ўлка консерва комбинати коллективи зарбдорларча меҳнат қилмоқда. Бу комбинатда кўк нўхатдан ҳар неча-кундузда консерва тайёрлаб чиқариш рекорд даражасига етди—қарийб уч миллион баikka консерва тайёрланмоқда. Етиштирилган барча нўхат ҳосили бундан бир йил илгари қирқ етти кун ўрнига йигирма кун ичда қайта ишланиб бўлди. КПСС Крим район комитети озиқ-овқат конвейери барча бўғинларининг — сабзавотчилик хўжаликларини, транспорт ва саноат корхоналарини ходимларининг бир-бири билан келишиб пухта ҳаракат қилиши, бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш ва кадрларни ижодий ташаббускорлик руҳида тарбиялашни ташкил қилиш соҳасида аниқгина иш қилди. Районда юк ташиниш тартибига солиб туриш учун марказлаштирилган диспетчерлик хизмати ташкил этилган. Кўпгина дала ишлари ва юк ортиш операциялари механикалаштирилган. Бу тажриба қўшимча канифат маблаглар сарфламаган ҳолда консерва ишлаб чиқаришни кўлайитиришда катта имкониятлар берилганини яққол кўрсатиб турибди, бу тажрибани кенг оммалаштирса арийдим.

Сентябрь—қанд заводлари ишга тушириладиган пайт. Бу йил қанд ишлаб чиқариш ўн сақкиз процент кўпайтирилиши лозим. Бунинг учун жуда катта қувватларни ишга солиш ва реконструкция қилиш керак. Бундан илгари «Правда» газетасида хабар берилганидек, ҳозир кўпчилик корхоналарини капитал ремонт қилиш, пехларда машиналарни янгилаш ишлари тамомланмоқда. Аммо бир қанча жойларда тиклаш ва профилактика ишлари графикдан оғизда қолмоқда. Ҳозир энг муҳим вазифа ҳар бир корхона бўйича қолоқликнинг сабабларини билиб олишдан, камчиликларни тез бартараф этишдан ва барча заводларнинг ўз вақтида ишга туширилишини, уларнинг самарали ишлашини таъминлашдан иборатдир. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «1974 йилги қанд лавлаги ҳосилини ўз вақтида йиғиб олиш, ташиниш ва қайта ишлашни таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қиёнда қабул қилган қарори ҳудди мана шунини талаб этади.

Ег-мой саноати ходимлари учун ҳам долзарб кунлар бошланмоқда. Молдавия ва Шимолий Кавказ, Поволжье ва Узоқ Шарқ корхоналари кунга боқар, энгир, гаринча, лония қабул қилишга тайёр бўлиб турибди. Ленин Саратов, Воронеж областларида ва бошқа баъзи областларда шу тармоқ заводларидаги агрегатларни ремонт қилиш ишлари қўзғалиб кетди. Партия ва хўжалик органлари бунга жиддий эътибор беришлари керак. Озиқ-овқат саноати ходимларини кейинги йиллардаги кунгабоқар пастасининг сифати таъминлаш ташвишига солиб турибди. Кунгабоқар пастасида кишлоқ микдорини ҳисобга олмайдиغان эски стандарт ённинг сифатини яхшилаш учун кунгабоқар тайёрловчиларнинг ҳаракатини сира ҳам рағбатлан-тирмайди. СССР Тайёрлаш министрлиги янги давлат стандартини қараб чиқишни тезлаштириши, озиқ-овқат саноати учун кунгабоқар пастасини етказиб беришчиларга нисбатан талабчанлигини ошириши лозим.

Боғлар ва тоқорларда ҳосили ёппасига териб олиш пайти яқин қолди. Минг-минглар тонна эртаги мева Грузия корхоналарида, Молдавиядаги Котовский агропоселок ботаникасида, Кримдаги «Золотая балка» комбинатидида қайта ишланиб бўлди. Ўзбекистонда ва Туркменистонда яхши ҳосил етишди. Аммо бу республикаларнинг заводлари маҳсулотини қабул қилишга унча яхши тайёргарлик кўрмадилар ва шунинг учун ҳам аҳолини тел орада тузатиш керак. Озарбайжонда мева консервалари ва вино ишлаб чиқарадиган корхоналар тўғрисида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Бу ерда бинокорлар янги қувватларни реконструкция қилиш ва ишга туширишни анча кечиктириб юбордилар. Шу республиканинг саноат ва қишлоқ қурилиш министрликлари бир қанча объектларда графикларини бузганликларини учун бундан илгари танқид қилинган эди. Вақт ўтиб кетаётган бўлса-да, лекин қолоқлик халигача бартараф қилинган эмас.

Сабзавот ва мевани қайта ишлаш—мансумий иш, шунинг учун ҳозирги пайтда ҳар бир кун ва ҳар бир соатни ғанимат билиш жуда муҳим вазифадир. Ҳолбуки, кўпгина корхоналар ишга идишлар ва металл билан яхши таъминланмаганлиги туфайли қийинчиликка дуч келмоқда. Бу заводлар учун 540 миллион баikka, 10 минг тоннадан кўпроқ оқ туника етишмайди. Химиклар консервалар учун лакни ўз вақтида етказиб берибетириллар. Заводларнинг бекор турмаслиги учун юксак сифатли мевалар шарбат олиш учун ишлатилмоқда, ваҳоланки бундай меваларни бутунча консерва қилиш мақсадга мувофиқдир. СССР Савдо министрлиги ва таъминот органлари консерва корхоналарини материал-техника билан таъминлаш-ни яхшилашлари лозим.

Фидокорона меҳнат туфайли даладар, боғлар ва тоқорларда мўл-кўл ҳосил етиштирилади. Деҳқонлар мана шу ҳосилини нобуд қилмай териб олишга, совет кишиларига тобора кўпроқ қишлоқ озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришга астойдил иштирокчилар. Энди озиқ-овқат саноати ходимлари бунга жавобан энг шимариб ишлашлари лозим. Тармоқ меҳнатчиларини ўз иши учун юксак жавобгарлик, эҳтиёткорлик ва тежамкорлик руҳида тарбиялаш — партия ташкилотларининг бурчидир. Ҳом ашени бевосита сабзавот етиштирувчи совхозлар ва колхозларда тайёрлаш ва шу ернинг ўзидида дастлаб қайта ишлаш каби, пехларда бир неча-кундузда энг кўп микдорда маҳсулот тайёрлашга эришиш учун мусобақалашини каби прогрессив ташаббуслар алоҳида эътиборга сазовордир. Партия ташкилотлари илгор коллективларнинг таърибасини актив қўллаб-қувватлаб ва оммалаштириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсишига эришиб, беш йиллик тўртинчи йили давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдилар.

Совет кишиларининг энг муҳим талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондирилиши, халқ фаровонлигининг янада ўсиши кўп жиҳатдан озиқ-овқат индустрияси меҳнаткашларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни нечоғлиқ муваффақият-ли равишда урдашларига боғлиқдир.

(«ПРАВДА» газетасининг 27 августдаги беш мақоласи).

„СОЮЗ-15“ КОСМИК КЕМАСИ ПАРВОЗДА ТАСС АХБОРОТИ

1974 йил 26 август Москва вақти билан соат 22 дан 58 минут ўтган-да Совет Иттифоқида «Союз-15» космик кемаси учирилди. Кемани командир подполковник Геннадий Васильевич Сарафанов билан борт-инженер полковник-инженер Лев Степанович Деминдан иборат саставдаги экипаж учирмоқда.

«Союз-15» кемасини учуришдан мақсад шу йилнинг 3 июлида «Союз-14» транспорт кемаси билан «Салют-3» станцияси учурилганида космик фазода бошланган илмий-тадқиқотлар ва экспериментларни давом эттиришдан иборат.



ПОДПОЛКОВНИК ГЕННАДИЙ
ВАСИЛЬЕВИЧ САРАФАНОВ

Геннадий Васильевич Сарафанов 1942 йил Саратов обла-сти Саратов районидаги Си-неенские қишлоғида туғилди. У 1959 йилдан бери Совет Армияси сафида. Г. В. Сарафанов Балашов учувчилар олд ҳарбий авиация мактаби-ни битиргач, авиация қисма-рида хизмат қилди. У хизмат чоғида ўзини жуда яхши учув-чи сифатида кўрсатди, бир не-ча типлардаги самолётларни ў-қаштирди.

Сарафанов 1965 йилдан бе-ри космонавтлар отрядида. У учувчи бошқарадиган турли а-ппаратларда космик парвоз-

ларга тайёргарлик тўла курси-ни ўтди, бундай аппарат сис-темалари ва ускуналарини ях-шин ўрганди.

Г. В. Сарафанов 1963 йил Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафида кирди. Космонавтининг рафиқаси — Тамара Васильевна Самовий шаҳарчада ишлайди.

Сарафановлар оиласида ик-ки бола бор: ўгли Алексей ет-ти ёшда ва қизи Катя икки ё-шида.

Космонавтининг отаси Васи-лий Иванович ва онаси Елена Прокофьевна Саратовда яшай-дилар.



ПОЛКОВНИК-ИНЖЕНЕР
ЛЕВ СТЕПАНОВИЧ ДЕМИН

Лев Степанович Демин 1926 йилда Москвада туғил-ган. Меҳнат фаолиятини 1942 йилда бошлади. У пармалаш машиналари заводидида тонар бўлиб ишлади.

Совет Армияси сафларида 1945 йилдан бери хизмат қил-моқда. Ҳарбий авиация алоқа мактабининг битириб чинди.

Л. С. Демин 1949 йилдан бошлаб Н. Е. Жуковский ном-ли ҳарбий-ҳаво инженерлар академиясининг тингловчис, кейин эса аэродинамика бўли-ди. У ҳарбий, ҳаво қучларининг ил-мий-текиншиш ташкилотлари-дан бирида кўп вақт катта ил-мий ходим бўлиб ишлади.

У 1963 йилда техника фан-

лари кандидати илмий дара-жасини олиш учун диссертат-сия ёзди.


Лев Степанович 1963 йил-дан бери космонавтлар отряди-да бўлиб, космик парвозга тай-ёрларлигини тўла курсини ў-тди.

Л. С. Демин 1956 йилдан бери Совет Иттифоқи Комму-нистик партиясининг аъзоси.

Космонавтининг рафиқаси — Зинаида Александровна Само-вий шаҳарчада ишлайди.

Деминнинг қизи Наталья 24 ёшда, ўгли Сергей 22 ёш-да.

Космонавтининг онаси Анна Петровна пенсионер, Москвада истиқомат қилади.



Бўстонлик районидида Жданов номили колхоз чорвалорлари қишлоғи пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Моллар учун етарли ем-хашак базасини янгида келтириш, тўйимли ва ишрало озуға жамғарини ишлари уюшқоқлик билан олиб беришмоқда. Айниқса, хўжа-ликда силос жамғаришга алоҳида эътибор бериляпти. Колхоз ем-хашак бригадаси коллективи маккажўхориининг ҳар гектаридан 500—600 центнердан кўпроқ йиғиб олмақдалар. Суратда: колхознинг сўнгги майдонларидаги жўхори силос қилишмоқда.

И. Партнов фотоси.

ҲОСИЛ САККИЗ ИШ КУНИДА ЙИҒИБ ОЛИНДИ

Ўрта Чирчиқ районидида «Ле-нин йўли» колхоз аъзолари мўл маккажўхори дони етиштир-ди. Хўжалик аъзолари бу мўл ҳосилни ўз муддатида нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга ҳам пухта тайёргарлик кўрдилар.

Урим-йиғим кунларида колхоз маккажўхориқорлари катта ғай-рат билан меҳнат қилиб, ҳосил-нинг деярли барча қисминини ком-байнлар билан йиғиб олдилар. Жўра Қамбаров бошлиқ бригада аъзолари юксак кўрсаткичларни

қўлга киритдилар. Йўлдош Олло-ёров, Эргаш Туробов каби илгор механизаторларнинг ҳар бири ку-нига 3—3,5 гектар ердаги мак-кажўхорини ўришга муваффақ бўлдилар. Мана ҳозир маккажўхори ўриш

саккиз иш кунидида тўлиқ тугал-ланди. 70 гектар ернинг ҳар гек-таридан 81 центнердан маккажў-хори дони олинди. Хўжалик аъзолари давлатга 176 тонна маккажўхори дони сотиб, белги-ланган мажбуриятини икки бара-вар ошириб бажардилар.

„ЯХШИ“ БАҲО БИЛАН

СОЛДАТСКИЙ. (ЎЗАТГ). Қўйи Чирчиқ районининг меха-низаторлари пахта териш тех-никаси масумида шай қилиб қў-йилганлигини маълум қилди-лар. Машиналарнинг ҳаммаси «яхши» баҳо билан қабул қи-линди. 279 та «зангори кема» юзлаб пахта подборшчиги, кў-рак териш агрегатлари ва кў-рак чувиш машиналари шай қилиб қўйилди. Машиналар сақланадиган ҳовлиларнинг майдончаларида 130 та трак-тор принцепи, универсал пахта погрузчиклари қатор қилиб қў-йилди. ОВХ—14 маркали чанг-лашчилар ҳам тайёр турибди. «Ўзбекистон ССР беш йилли-ги» совхозидида, Димитров номи, «Ленинград» колхозларида те-рим айниқса уюшқоқлик билан кутиб олинмоқда. Бу хўжалик-ларда техникани ремонт қилиш ҳосил йиғиштириб олинганидан кейин дарҳол бошланган эди, бу иш бригада-узел усулида амалга оширилди.

Қўйи Чирчиқ районининг ме-ханизаторлари республика ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейи шарафига аланга му-вофиқ тайёрлашни лозим бўл-ган 46 минг тонна пахтанинг 41 минг тоннасини машиналар билан териш мажбуриятини ол-дилар, бир агрегатнинг мансу-мий иш унумини 140 тоннага етказишга қарор қилинди.

РЕСПУБЛИКА

АВИАТОРЛАРИ-

НИНГ КЕНГАШИ

27 август куни Тошкентда республика авиация корхона-лари ходимларининг партия-хўжалик актив йиғилиши бў-либ ўтди.

Йиғилиш беш йиллик белги-ловчи йили, 1974 йилнинг ет-ти ойи мобайнидаги иш яку-ларини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг талаблари асо-сида республика авиация хо-димларининг вазифаларини му-ҳомага қилди. Граждан ави-ацияси Ўзбекистон бошқарма-сининг бошлиги А. П. Гози-назаров шу масала юзасидан доклад қилди.

Актив йиғилишида Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин ва СССР Граждан авиацияси министрининг ўрин-босари Н. П. Винов нуқт сўз-ладилар.

Йиғилиш муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

КАЛИНИН РАЙОНИДА МАЗМУНЛИ СУҲБАТЛАР

Калинин номи колхоз партия ташкилотининг лекция пропагандасига алоҳида эътибор бермоқда.

Партия ташкилотининг ташаббуси билан колхознинг бошланғич «Билим» жамияти аъзолари дала шийонларида бўлиб, 70 дан ортиқ суҳбат ўтказилди. Колхоз бошланғич «Билим» жамиятининг Т. Умаров, И. Оқирзаев, З. Мунавварова, Х. Нороҳимов сингари аъзолари ўқиган лекциялар тингловчиларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Жамоатчи лекторларимиз йил охиригача яна қўшниқини қийинтирувчи темаларда 70 та лекция ўқини планлаштиришган, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Содиқов.

КОМСОМОЛЛАР ОТАЛИГИДА

Район комсомол-ёшлари чорва қишлови учун табиий ўтлардан илҳам тайёрлашда, актив иштирок этмоқда. Улар мавсумда 1860 тонна табиий хашак жамғаришга сўз берилган.

Эргайрат ёшлар ҳозиргача 1600 тоннага яқин табиий хашак тайёрлашган. Бу шундан 260 нафар комсомол-ёш қатнашмоқда. Қўлаб хашак жамғаришда «Бўёсу» совхозининг комсомол-ёшлари ўртак бўлишмоқда. Улар ҳозиргача 120 тоннага яқин табиий хашак тайёрлаб қўйишди.

ЯНГИЧА ТҒЙЛАР

Деярли ҳар кун Карл Маркс қишлоқ Совети биноси олдига чўкдек қилиб безатилган никоҳ машиналарини учратиш мумкин.

Кўёк-келин залга кириб келишди. Қишлоқ Совети ходимлари никоҳдан ўтувчи ёшларни тантанали равишда қўлаб олишди ва уларни янги турмуш билан чиқ қўйишди таъриқлашди. Шу йилнинг ўйида бу ерда юздан ортиқ никоҳ тўйи бўлиб ўтди.

ПОСЁЛКАЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

«Партия XXI съезди» совхозини маъмурияти ишчиларга қўлаб бўлиш учун аҳолиларни қўйишдан ташқари янги йўлларни асфальтлаш, аҳолини водопровод суви билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. 1974 йилнинг ўйида совхозда 7 километр йўлга асфальт, 3 километрга водопровод қурувлари ётирилди. Бундан ташқари, совхоз территориясига қўйишган мактабларга, ўқувчи қўшниқига синф хоналари ва совхоз учун беш хонали маъмурий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу ишларни ўртоқ Т. Тиллапов бошлқ совхоз қурувчилар бригадаси бажармоқда. Шу кунларда қурувчилар 110 беш қўрамоғла мўлжалланган янги типовой молхона қурилишини тугатилар арасида туршибди.

Н. ҚОДИРОВ.

Юбилейга катта тўёналар билан

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

ХАЛҚИМИЗДА тўйга тўёна билан келиш оdat тусига кириб қолган. Мана, республикамиз ва Ўзбекистоннинг ярим асрлик олтин тўйига шу кунларда ҳамма коллективлар муносиб совғалар билан бориш учун зўр иштиёқ билан меҳнат қилишляпти. Колхоз ва совхозларда, саноат ворхоналарида ва барча ишлаб чиқариш тармоқларида белгиланган топшириқлар охириб бажарилмоқда. Коллективлар билан коллективлар ўзаро социалистик мусобаба асосида ишлашляпти. Ишлаб чиқаришнинг қайси тармоғи бўлишидан қатъий назар у ерда меҳнат қилаётган ҳар бир киши ўзига алоҳида-алоҳида мажбурият олган ҳолда меҳнат қилимоқда.

Редакциямига жойлардан айрим илгор кишиларнинг, коллектларнинг беш йиллик планларини мундандан илгари бажариш учун ҳаракат қилиб, қўлаб киришган аҳолининг ютуқларини тараннум этувчи қўлаб хатлар келмоқда. Ҳар бир хатда ўзига хос янгилик, бирон хушхабар совет кишиларининг аjoyиб фазилатларини кўрсатувчи жумалар бор.

Чиноз районидан Навоий номи колхоздан келган хатини ўртоқ Р. Холдиров юборган. Унда шў колхознинг Амир Нибозов бошлиқ бригадаси аъзола-

рининг 160 гектар ердан пландаги 30 ўрнига 38 центнердан ҳосил кўтариш учун қилаётган ишлари хабар қилинади.

Карима Машарипова Бўстўқлик районидан юборган хабарига «Довон ошди» деб сарлавҳа қўйган. Унда социалистик мусобаба қизитган Ўда нов номи колхоз чорвадорлари белгиланган планларини аниқ охириб бажариб, янги мажбурият ҳисобига ишлаётганини кўрсатилган. «Қизил ту» ва Калинин номи колхозларининг чорвадорлари сўт топширишда графикадан аниқ олдинда боришляганини конкрет мисоллар билан ҳикоя қилинади.


Уштан йилнинг худди шу кунига инебатан ҳар бир сирдан олдин сўт миқдори 357 килограмданга кўнайди. Бу ютуқни қўлаб киришги учун Юрора Чирчиқ районидан Свердлов номи колхозининг илгор сўт соғувчиси Мария Ким анчагина меҳнат қилди. Бу ҳақда шу райондаги жамоатчи мухбир М. Турсунов редакцияга хабар қўйлаган.

Келаётган хатларнинг бошқа бир гуруҳида аҳолига медицина хизмати, савдо, маиший хизмат кўрсатишнинг кундан-кунга яхшиланаётгани аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилади.

Ангрендаги универсал магазиннинг ходимлари аҳолига хизмат кўрсатиш йўлида амалга ошираётган тадбирларни тўғрисида В. Ўлмасбоев, Чиноз райониданги 1-қойхона мудирини Раим ака Расулов ҳақида Н. Амиров, пойтахтнинг Оқибобов майдонига қурилиб, шахримиз ҳуснига-ҳусни қўйган универсал магазинининг сотувчиси Ахмет ака Собиров ҳақида А. Солихов ўртоқлар миниятдорчилик сўзлари ёзиб редакцияга хат йўллашган. Шунингден, турли темаларда тошкентлик М. Маматов, Оржоникидзе районидан Х. Шодиев, Пискентдан Э. Хабиббаев ва бошқа қатор ўртоқлар ўз фикр ва мулоҳазаларини илҳор қилишляди.

«Яхшиларнинг яхшиси» сарлавҳали мақолада пенсионер Мария Сергеевна Иванченконинг жамоатчи сифатида амалга ошираётган ишлари, айниқса ободончиликда амалга ошираётган тадбирлари кўрсатилади. Бу аёлни Ўзбекистонда таъин-майдаган киши топилмасе керак, деб ёзди ўз хатида, ўртоқ А. Асқов.

Оқўртон районидан Р. Абдужабборов, Калинин районидан Ч. Сулаймонов ўртоқларнинг хатларида кишилар дарида шифо топаётган мохир медицина ходимлари ҳақида илқ сўзлар айтилади.



Пойтахтнинг Луначарский шоссеи сўнгги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Кенг, раvon шоссе бўйлаб қад ростлаб турган ҳашаматли турар-жой ва маъмурий бинолар шоссеининг қўрғига кўрк қўшиб турипти. Яқинда улар қаторига яна бир тўққиз қаватли турар-жой биноси қўшилди.

А. Абалли фотоси.

СССР ХАЛҚЛАРИ VI — ЕЗГИ СПАРТАКИАДАСИ ОЛДИДАН КОНКУРСДА ҚАТНАШИШ

ли жасоратлари; меҳнат активлигини ошириш ишида физкультура ва спорт билан оммавий шугулланишнинг роли.

Конкурс икки турда ўтказилади. Биринчи тур 1974 йил июндан 1975 йил июнигача давом этиб, район, шаҳар, бўлиқ, ўлка ва республика спартакиадаларини беришчи ўз ичига олади.

Иккинчи тур 1975 йил июль-августда бўлиб, СССР халқлари VI спартакиадасининг финал мусобақаларини беришчи ўз ичига олади.

Конкурс якунлари икала тур натижаларига кўра чиқарилади.

Якунларни чиқаришда конкурс жуориси материалларининг сифати ва мазмунини, жанрлар хилма-хиллигини, материалларини беришда ижодий изланиш ва профессионал маҳоратини ҳисобга олади.

СССР халқлари VI Спартакиадасини ва ҳарбий-ватанпарварлик мазмунини пропаганда қилиш юзасидан редакцияларнинг ташкилий-оммавий тадбирлари (СССР халқларининг VI Спартакиадасига, совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг 30 йиллигига, совет жангчи спортчиларининг хотирасига бағишланган мусобақалар, походлар, эстафета ва слётлар ўтказилиши, тематик саклифалар, подбора ва алоҳида материаллар билан газета ва журналлар редакциялари ўртасида материаллар айирбосланиши, редакциялар билан армия газеталари ва журналларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг

ҳарбий-ватанпарварлик мазмунига доир материалларни тайёрлашдаги ҳамкорлиги ва ҳоказолар) алоҳида ҳисобга олинади.

Конкурснинг якунлари 1975 йил октябрь-ноябрь ойида чиқарилади.

Конкурсга тасия этилган материаллар жури адресига (Москва, 121069, Скатерный пер., 5) «Спартакиада» — «Конкурс» белгиси билан юборилиши керак. Материалларни (почта белгиси бўйича) 1975 йил 15 сентябрдан кечикмай тасия қилиш лозим.

Жури кўриб чиқиши учун газета ва журналлар ёки улардан олинб, альбомга тўпланган материаллар юборилиши керак. Тегишли физкультура ва спорт комитетлари, ДОСААФ комитетлари ва спорт журналистлари федерацияларининг хулосалари ҳам уларга қўшиб юборилди. СССР халқлари тилларида чиқадиган газета ва журналлар асосий материалларни анотация билан, конкурсга тасия этилган, очерк, мақолаларни тўлиқ таржимаси билан юбориладилар.

Тевасидение ва радио эшитириш бўйича республика, ўлка ва область комитетлари энг яхши эшитириш ва сюжетлар подборкасини редакцияларнинг конкурс шартларида кўрсатилган давр мобайнидаги ишлари тўғрисида тегишли спорт журналистлари федерацияларининг хулосалари билан қўшиб топширадилар. Материаллар СССР Министрлар Советининг тевасидение ва радио эшитириш бўйича Давлат комитетига

(Москва, И-427, Академик Королев кўчаси, 12, Махаллий тевасидение ва радиозащитириш бош редакцияси) жўнатилади.

Конкурс қўлиблари учун Бутуниттифоқ касба союзлари марказий Совети, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг тевасидение ва радио эшитириш бўйича Давлат комитети, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети, касба союзлари кўнгилли спорт жамиятлари Бутуниттифоқ Совети, СССР Мудофаа министрлигининг спорт комитети, СССР Журналистлар союзи, «Советский спорт», «Красная звезда», «Советский патриот» газеталари, «Советский воин» журналы мусобақа қўлиблари учун мукофотлар тасис этиладилар.

Марказий газета ва журналлар редакциялари ҳамда информация агентликлари учун СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети энг мукофот;

республика, ўлка ва область партия газеталари редакциялари учун СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети энг яхши материал учун шахсий мукофот беради.

Конкурсда актив қатнашган редакциялар ва алоҳида журналистлар СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг ериқлари ва СССР халқлари VI Спартакиадасининг эсдалик медаллари билан ҳам мукофотланадилар.

округ ва флот газеталари редакциялари учун СССР Мудофаа министрлигининг спорт комитети мукофот;

Спорт газеталари ва журналлари редакциялари учун СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети икита мукофот ва «Советский спорт» газетасининг мукофоти;

ҳарбий-ватанпарварлик темаси, ёшларини Ватан мудофасига тайёрлаш масалаларини яхши беришчилик учун ДОСААФ Марказий Комитети, «Красная звезда» газетаси ва «Советский воин» журналининг учта мукофоти;

меҳнат унумдорлигини ошириш, касаликнинг олдини олиш, меҳнат қашларининг актив дам олишининг муҳим воситаси сифатида физкультура ва спортни пропаганда қилиш учун ВЦСПСнинг икита мукофоти;

СССР халқларининг VI Спартакиадаси ва буюк ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган бир муҳим муҳим ташкилий-оммавий тадбирлар ўтказганлиги учун «Советский патриот» газетаси редакциясининг мукофоти тасис этилди.

СССР Журналистлар союзи журналистиканин алоҳида жанрларига шахсий мукофотлар тасис этиди. Жумладан, энг яхши публицистик мақола учун, энг яхши очерк, энг яхши фотоочерк, энг яхши фотосурат, энг яхши репортаж учун мукофот берилади.

Касба союзлари кўнгилли спорт жамиятлари Бутуниттифоқ совети касба союз спортчиларининг спартакиада финал мусобақаларида қандай иштирок этганлиги тўғрисидаги энг яхши материаллар учун шахсий мукофот тасис этиди. Шунингден, ДОСААФ Марказий комитети ҳам ҳарбий-ватанпарварлик темасидаги энг яхши материал учун шахсий мукофот беради.

Конкурсда актив қатнашган редакциялар ва алоҳида журналистлар СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг ериқлари ва СССР халқлари VI Спартакиадасининг эсдалик медаллари билан ҳам мукофотланадилар.

Спорт БОКСЧИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА

Тошкентлик динамочи Руфат Рискеев жаҳоннинг энг кучли боксчилари ўртасида Гаванада ўтаётган мусобабада муҳим ғалабани қўлга киритиб, ярим финалга чиқди. Бу ғалаба унинг чемпионат мукофотисни бўлишчи тасминлайди.

Руфат Рискеев Болгария чемпиони Янакеев билан бўлган бу учрашувни жуда аниқ ҳаракатлар билан бошлади. У кучли рақибнинг ҳужумига ўтишга имкон бермади. Уч раунд давомида болгариялик боксчи айтарилиб бирон бир зарба беролмади. Бунинг аксича Рискеевнинг бир қанча зарбалари аниқ нишонга бориб тегди. Рискеев рақибининг маневрларини четдан кузатаётгандай бўлиб туяларди. У рингда ўзини эркин ва кучига ишонган ҳолда тутарди. Рискеев масъулиятни кўр ҳис этиб саҳнага чиққалиги ва ҳушёрлик билан мусобақалашганини учун рақибдан қўли бағлад қолди. Унинг Гавана рингидagi бу «жанг»и аввалгиларга ўхшаб бокс мутахассисларида жуда яхши таассурот қолдирди.

Совет боксчиларидан куйишевлки Евгений Юдин 48 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида медал олиш ҳуқуқига эга бўлди. У венесуэлилик Исмоил Арсияни ютди.

Шунингден, москвалик Олег Коротаев ҳам ярим финалга чиқди. Унинг рақиб — финландиялик боксчи шиканслаби қолганлиги учун «жанг»и чиқмади. Ярми финалда Коротаев АҚШ спортчиси Леон Спинкс билан курашди.

Боксчиларнинг бақслари ҳал қилувчи боксчиға кирди.

„ПОЛИТОДЕЛ“НИНГ УМИДБАХШ ШАШНАЧИЛАРИ

Одесса шахрида пионер дружинлари ўртасида Бутуниттифоқ мусобақаси якунланди. Бу мусобақаларда қатнашган областимизнинг «Политотдел» колхозидagi Фрунзе номи мактаб шашначилари муваффақиятли ўйнади. Улар 41 очко тўплаб, фақри олтинчи ўринни эгаллаб, 10 та иттифоқчи республика, Москва, Ленинград командаларини орқда қолдирдилар. Политотделлик уимдаги шашначилардан Серема Ким билан Витя Эм ўз командаларига энг кўп очко келтиришди. Бундан ташқари маъзур мактаб шашначилари мамлакат ишлоқ пионер дружиналари ўртасида энг яхши команда эканлигини тасдиқладилар.

СОВЕТ БАСКЕТБОЛЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Жаҳон чемпиони СССР баскетболчилари Боготада ўтаётган Миллатлар кубоги мусобақасида ғалаба устига ғалаба қозонмоқдалар. Улар иккинчи матчида Панама терма командаларини ярини ҳисобда енгилар — 114:61.

Мамлакатимизнинг хотин-киз баскетболчилари эса Европа биринчилигининг финалида қатнашш ҳуқуқига эга бўлилар. Италиянинг Сардиния оролида ўтаётган бу мусобақаларининг дастлабки саралаш турнирини муваффақиятли якунлаган Чехослования, Болгария, Венгрия, Руминия ва Франция командалари ҳам ҳал қилувчи ўйинларда иштирок этиладилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Она-Ватан Бўйлаб

МОСКВА Ленин комсомолни номидаги автомобиль заводи коллективни социалистик мусобабада пешқадамлик қилиб кетма-кет 31 марта кўча Қизил байроғни қўлга киритди. Иккинчи квартал планни ҳам барча кўрсаткичлар бўйича шараф билан бажарилди. Товар маҳсулотини ишлаб чиқариш плани 2,5 миллион сўм миқдорда охириб ўдаланди. Реализация қилиш топшириғи ҳам энбедас билан адо этилди. Фақат иккинчи квартал мобайнида турли маркадаги «Москвич» автомобилли мўлжалдагидан 660 дона ортиқ ишлаб чиқарилди.

Суратларда: (чапда) «Москвич» автомашиналари савдо тармоқларига жўнатишмоқда. Унда эса 2 миллионинчи автомобилни кўриб турибсиз.

В. Кошевой, В. Яков ва В. Хухлаев фотолари. ТАСС фотохроникаси.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА, 12.00 — МОСКВА, 18.25 — ТОШКЕНТ, 18.35 — Ўқувчилар учун «Моҳир кўлар», 19.05 — Киноқўрсатув, 19.35 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига «Заманпар меҳнатини» — республика юбилейига, 20.05 — «Ахборот», 20.20 — «Ешлик» студияси кўрсатади, «Меҳнат семестрига аъло баҳо», 20.50 — «Ахборот», 21.10 — Дала шийони — идеология ишлари маркази, 21.30 — Концерт, 22.00 — МОСКВА, 22.30 — Мархабо таллантлар (халқ кинокорлари тевасидение фестивали (тақририй кўрсатув), ИККИНЧИ ПРОГРАММА, 11.00 — ТОШКЕНТ. Кўгирчоқ фильм, 11.45 — «Олтин налтича» (бадий фильм), 18.30 — МОСКВА, 22.00 — Сўхат саломатини (илмий оммабон программа, 22.30 —

МОСКВА, УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 19.00 — Тошкент ангилликлари, 19.15 — Фильм-концерт, 20.00 — Хушхатли иню врани, 20.30 — «Тошкент» телепрограммаси, 20.50 — Реклама, 21.00 — Телевизион бадий фильм.

НАВОНИ НОМИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/VIII да Лайли ва Мажнун, 29/VIII да Золушка.

ХАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VIII да Ой тутилган тунда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Филлар — менинг дўстларим
САНЪАТ САРОНИ (11.15, 21.15), «ЧАПКА» (12.00, 15.00, 18.00,

20.45), «МОСКВА» (21.15), «СПУТНИК» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).

Матенининг олтинлари — «30. БЕКИСТОН 25 ЙИЛИГИ» (10.30, 12.45, 15.00, 17.15, 19.30, 21.45), «СПУТНИК» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (куп, дуз ва кочуруну).

Охламоха — «САНЪАТ САРОНИ» (14.00, 16.00, 17.45, 19.30).

ЕЗГИ БИНОДА

Охламоха — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ўзбекистон КП С. Раҳимов район комитети ва район ижроия комитети республика миёёсидagi шахсий пенсионер, 1925 йилдан буюб КПСС аъзоси

Шокир Умуразонович УМУРЗОҚОВНИНГ

вафот этганининг чуқур қайғу билан бидиридилар ва марҳумнинг она аъзоларига таъзия илҳор қилиладилар.